XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

150100, Farg‘ona sh., Alisher Navoiy k., 15-uy, tel: (73) 244-07-35, e-mail: info@ferghana.uz, www.ferghana.uz

2022 - yil 4 - aprel VI-42-30-11-0-K/22 Farg‘ona viloyati hokimligi

Риштон туманида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари чегараларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарорига мувофиқ ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Вилоят туризм ва спорт бошқармаси ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси томонидан Риштон туманида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари чегараларини белгилаш бўйича хулосаси инобатга олинсин.

2. Риштон туманида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий

этиладиган туризм ҳудудлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Х.Аҳмедов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (А.Рўзиев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов), Риштон тумани ҳокимлиги (С.Солиев) билан биргаликда туризм ҳудудларида аҳоли, худуд фаоллари, депутатлар ва жамоатчилик вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ташкил этган ҳолда тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борсин.

4. Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари А.Уринбоев вилоят Савдо-саноат палатаси (А.Салиев), Марказий банк бош бошқармаси (Т.Қундузов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов), Риштон тумани ҳокимлиги (С.Солиев) билан биргарликда туризм ҳудудларида фаолият кўрсатаётган *(ёки фаолиятини бошлаш истагини билдирган ташаббускорлар)* тадбиркорлик субъектларига фаолиятларини самарали йўлга қўйишларига бевосита кўмаклашсин.

5. Мазкур кенгаш қарори вилоят телевидениясида ҳамда “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари, шунингдек Риштон тумани ҳокимлиги муассислигидаги газетада расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур Кенгаш қарори бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Р.Камалов) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев зиммасига юклансин.

Кенгаш раҳбари **Х.Бозаров**

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat Kengashining
2022 yil 4 apreldagi
VI-42-30-11-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Вилоятда меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари

РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳудуд номи	МФЙ лар номи
1.	Риштон тумани	Қалайнав МФЙ
2.		“Қози Ахрор” МФЙ
3.		“Зар-Ариқ” МФЙ
4.		“Хўжа-илғор” МФЙ
5.		“Гумбаз” МФЙ
6.		“Марказ” МФЙ
7.		“Тўраобод” МФЙ
8.		“Навоий” МФЙ
9.		“М.Топволдиев” МФЙ
10.		“Фаровонлик” МФЙ
11.		“Оқ-ер” МФЙ
12.		“Сарой” МФЙ

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасига ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилган.